



ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ ЎРНИ

Махамматова Зарина

Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар унверситети

ORCID: 0009-0006-9495-3575

zarinaa.1998@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган солиқ ислохотлари ва тадбиркорлик субъектларига берилаётган солиқ имтиёзлари таҳлил қилинган. Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва уларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири ўрганилган. Шу билан бир қаторда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қуватлаш, инвестицияларни жалб қилиш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда солиқ имтиёзларининг аҳамияти келтирилган. Солиқ имтиёзларни қўллашдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўналишлари тавсия этилган.

Калит сўзлар: солиқ сиёсати, солиқ имтиёзлари, солиқ, инвестиция, экспорт, преференция, имтиёзлар самарадорлиги, рағбатлантириш, ижтимоий имтиёзлар, самарадорлик.

РОЛЬ НАЛОГОВЫХ ЛЬГОТ В РАЗВИТИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Махамматова Зарина

Навоийский государственный горно-технологический университет

Аннотация. В данной статье рассматриваются анализ налоговых реформ и налоговых льгот предоставляемые субъектам предпринимательства в Республике Узбекистане. Исследуется сущность налоговых льгот и их влияние на экономику страны. Особое внимание уделяется значению налоговых льгот для поддержки предпринимательской деятельности, привлечения инвестиций, стимулирования инновационной активности и повышения экспортного потенциала. Также анализируются существующие проблемы применения налоговых льгот и предлагаются пути их решения.

Ключевые слова: налоговая политика, налоговые льготы, налоги, инвестиции, экспорт, преференции, эффективность льгот, стимулирование, социальные льготы, эффективность.

THE ROLE OF TAX INCENTIVES IN THE DEVELOPMENT OF BUSINESS ACTIVITIES

Makhammatova Zarina

Navoi State University of Mining and Technology

Abstract. This article examines the analysis of tax reforms and tax incentives provided to business entities in the Republic of Uzbekistan. The essence of tax incentives and their impact on the country's economy are explored. Special attention is given to the importance of tax incentives in supporting entrepreneurial activities, attracting investments, stimulating innovation, and enhancing export potential. The existing problems in the application of tax incentives are also analyzed, and possible solutions are proposed.

Keywords: tax policy, tax incentives, taxation, investment, export, preferences, effectiveness of incentives, stimulation, social benefits, efficiency.

Кириш.

Ҳар қандай давлатнинг барқарор иқтисодий ривожланиши, тадбиркорлик муҳитининг шаклланиши ва инвестицион жозибадорлик даражаси аввало солиқ тизимининг қандай йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Солиқлар давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи бўлиб, иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, ижтимоий дастурларни молиялаштириш ва турли соҳаларни ривожлантиришда муҳим ширин эгаллайди. Шу билан бир қаторда, солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш амалиёти кенг қўлланилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида солиқ тизимидаги либераллаштириш чоралари муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимизда бир қатор солиқ имтиёзлар ва преференциялар жорий этилди. Улар асосан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Хусусан, эркин иқтисодий зоналарни фаолиятини янада ривожланишдан орқада ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларга солиқ имтиёзларини қўллаш бу орқали тўловларини вақтинча камайтириш ёки бутунлай озод этиш орқали уларнинг фаолияти рағбатлантирилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, айрим ижтимоий аҳамиятга бўлган экология, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига киритилаётган инвестицияларга ҳам солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмоқда. Бу эса фақат иқтисодий эмас, балки ижтимоий барқарорликни таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Солиқ имтиёзларини қўллаш ва унинг аҳамияти борасида хорижий олимлардан Surrey (1985) тадқиқот ишларида “Солиқ имтиёзлари кўп шаклларга эга бўлиб, тўғридан-тўғри харажатлар, кредитлар ёки давлат ёрдамининг бошқа шакллари орқали эмас, балки солиқ тизими орқали имтиёзли фаолият ёки солиқ тўловчилар гуруҳлари учун давлат харажатларидир” изоҳлар келтириб илмий асослаб берган.

Савина (2016) эса ўз тадқиқот ишларида “Солиқ имтиёзларини баҳолаш ва уларнинг самарадорлиги шу билан бир қаторда солиқ имтиёзларни қўллаш амалиётидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари баён этган”.

Солиқ имтиёзлари фойдаланиш имкониятлари борасида Иқтисодчи олимларимиздан Исаев (2019) “солиқ имтиёзлари – юридик шахсларнинг айрим тоифаларини солиқлар тўлашдан қисман ёки тўлиқ озод қилиш, ёки солиқларни камроқ миқдорда тўлаш учун берилган имкониятлардир” деб тақлифлар келтириб ўтган.

Ашурова (2024) томонидан, солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш уларнинг корхона фаолиятига таъсири ва солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш йўналишларини келтириб ўтганлар.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида иқтисодий адабиётлар ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг солиқ имтиёзлари ва унинг самарадорлиги бўйича илмий назарий изланишлари, соҳа олимлари ва вакиллари ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда ҳулоса, тақлиф ва тавсиялар берилган. Мавзуни ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимизда иқтисодийни либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ҳамда иқтисодийга инвестициялар жалб қилишнинг муҳим омилларидан бири мазкур фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантириш бўлиб ҳисобланади.


Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда республикаимизда амалга оширилаётган ислоҳатлар натижасида иқтисодийни тартиблаш ва бошқариш жараёнида бир қатор воситалардан фойдаланиладики, бунда солиқ тизимининг солиқ ставкалари ва имтиёзларидан фойдаланиш энг самарали ва осон усуллардан бири бўлиб юзага чиқади.

Солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш ва уларни самарали қўлланилишига қараб қуйидаги кўринишларда ифода этиш мумкин:

- солиқлардан бутунлай озод қилиш;
- янги ташкил этилган корхоналарга имтиёзлар бериш;
- солиқ тўлашдан вақтинча озод этиш;
- солиққа тортиладиган базани камайтириш;
- солиқдан қисман озод қилиш;
- хорижий инвестицияларга имтиёзлар бериш;
- экспортга имтиёзлар бериш ва бошқалар.

Солиқ имтиёзларини қўллаш энг мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади. Солиқ имтиёзларини белгилашда адолатли ва шаффоф бўлиши керак. Аммо, солиқ имтиёзларини белгилашда хорижий ва жаҳон тажрибаларини кўрадиган бўлсак, амалиётида ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб белгиланишини кўриш мумкин ва шу сабабли у турли давлатларда турлича бўлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатида солиқ имтиёзлари асосан инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга, ишлаб чиқаришни янги техник ва технологик асбоб-ускуналар билан қайта модернизация қилиш ҳисобига корхоналар молиявий фаолиятини фаоллаштириш, экспорт салоҳиятини кўпайтиришга қаратилган. Шундай экан, мамлакатимизда бугунги кунда солиқ имтиёзлари қандай меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида берилаётганлигини кўриб ўтамиз.




1-расм. Солиқ имтиёзларининг меъёрий ҳужжатлар буйича берилиш ҳолати таҳлили. Фоизда

Манба: давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Солиқ имтиёзларига назар ташлайдиган бўлсак асосан барча солиқ имтиёзлари 87,8 фоизи Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига асосан тақдим этилади, 9,5 фоизи эса Ўзбекистон Республикаси президентининг қарор ва фармонлари асосида, 1,1 фоизи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси қарорлари асосида, 1,1 фоизи бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ва 0,5 фоизи Ўзбекистон Республикаси қонуниларига асосан берилган. Бундан кўриниб турибдики мамлакатимизда барча имтиёзлар қонун ҳужжатларида келтирилган. Энди солиқ имтиёзларини тармоқлар ва соҳалар кесимида берилшига назар ташлаймиз. (1-расм маълумотлари)

Солиқ имтиёзлари кўриб ўтадиган бўлсак, энг кўп яъни, 335,5 фоизи ишлаб чиқариш соҳасига, 21,4 фоизи молиявий ва суғурта хизматлар соҳасига, 13,9 фоизи улгуржи ва чакана савдо соҳасига, 7,7 фоизи эса ташиш ва сақлаш соҳасига тўғри келади. Қолган соҳаларга эса 5,5 фоизи ахборот хизматлари ва алоқа фаолияти соҳасига, 2,9 фоизи қурилиш соҳасидаги фаолиятга, 2,8 фоизи дехқончилик ва чорвасчилик соҳасига берилган. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати асосан ишлаб чиқариш соҳасини яъни. солиқ имтиёзларини айнан шу соҳаларга қўллаш орқали уларнинг фаолиятини янада рағбатлантиришга қаратилган. (2-расм)



2-расм. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқлари буйича солиқ имтиёзлари кўрсаткичлари таҳлили. (фоизда)

Манба: давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Мамлакатимизда солиқ имтиёзларининг солиқ турлари буйича таҳлилий маълумотларни кўриб чиқадиган бўлсак, аксарият солиқ имтиёзлари қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар берилаётганини кўриш мумкин. Республикаимиз буйича берилган солиқ имтиёзларини 100 фоиз бўлса, биргини қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар 2020 йилда 79,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилда 84,5 фоиз бўлган.

Бошқа соли турлари бўйича кўрадиган бўлсак ўзгариш динамикаси турлича (жадвал маълумотларига қаранг).

1-жадвал

Солиқларнинг моҳиятига бўйича тушумдаги улушлари динамикаси (фоизларда)

№	Солиқ турлари номи	Йиллар				
		2020	2021	2022	2023	2024
1.	Қўшилган қиймат солиғи	79,3	84,2	87,9	82,1	84,5
2.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	3,0	2,5	1,4	1,5	1,8
3.	Фойда солиғи (+ қўшимча фойда)	9,4	5,1	6,4	7,2	5,5
4.	Айланмадан солиқ	0,6	0,3	0,1	0,1	0,3
5.	Акциз солиғи			0,0	1,8	
6.	Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	0,9	0,7	1,3	2,0	1,1
7.	Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи	4,2	5,4	1,3	2,4	3,0
8.	Сув ресурси фойдаланганлик учун солиқ	1,4	1,1	0,0	0,0	0,1
9.	Ижтимоий солиқ	1,1	0,9	1,6	2,9	3,6
	Республика бўйича жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Манба: давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Ҳар қандай давлат тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзларини беришда иқтисодий - ижтимоий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Хорижий давлатларда солиқ имтиёзлари амалиётда қўллашларидан асосий мақсад — иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, янги инновацион ғояларни ишлаб чиқариш, экологик барқарорликни таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Шундай экан, хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари кўриб чиқамиз. Масалан, Америка Қўшма Штатларида солиқ имтиёзлари асосан тадбиркорлик субъектлари инвестиция киритганда ва технологик тадқиқотлар учун қўлланилади. Германия, Франция, Хитой ва Япония давлатларида эса солиқ имтиёзлари кўпинча технологик инновациялар ва экологик соҳаларни рағбатлантириш учун ишлатилади. Яъни, **эко-инновациялар учун имтиёзлар**. Бу мамлакатда иқтисодий ривожланишни экологик жиҳатдан мувофиқлаштиришга ёрдам беради. Жанубий Кореяда ва Буюк Британияда солиқ имтиёзлари технология ва инновацияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Италияда солиқ имтиёзлари асосан энергия самарадорлигини ошириш ва янги технологик ечимларга қўмак бериш учун ишлатилади. Хорижий давлатларда солиқ имтиёзларининг солиқ механизмига таъсири турлича баҳоланади. Илғор хорижий давлатларнинг солиқ сиёсатига эътибор қаратадиган бўлсак, солиқ имтиёзлари иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятида инновацияларни жорий қилиш мақсадида ишлатилади. Солиқ имтиёзлари хорижий давлатларда тадбиркорларни рағбатлантириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва инновацияларни жорий қилиш мақсадида кенг тарқалган восита ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Солиқ имтиёзларини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ва мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун муҳим қадамдир. Солиқ имтиёзлари тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни жалб этиш ва

ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга ёрдам беради. Аммо уларни самарали ташкил қилиш ва жорий этиш учун бир неча муҳим чоралар кўрилиши керак. Солиқ имтиёзларини такомиллаштириш борасида қуйидагиларни амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди;

1. Имтиёзлар жорий этилганидан кейин, уларнинг самарадорлиги ва таъсирини мунтазам баҳолаш, бунинг орқали таклифлар ишал чиқиш.

2. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида қандай имтиёзлар кераклигини аниқлаш ва уларга мос солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Экспортга йўналтирилган ва технологиялар асосидаги тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзларни кучайтириш.

4. Солиқ имтиёзлари ва уларни қандай самарали қўллаш ҳақида тадбиркорлар, шунингдек, солиқ органлари учун ўқитиш дастурларини жорий қилиш.

Солиқ имтиёзлари, агар тўғри ва самарали жорий этилса, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Шу билан бирга, уларнинг самарали амалга ошириш учун қонунчиликни аниқлаш, тадбиркорларга ёрдам бериш ва тўғри мониторинг қилиб бориш имконияти яратилади. Самарали солиқ имтиёзлари тадбиркорлар учун рағбатлантирувчи механизми бўлиб, уларнинг иқтисодий фаолиятини кучайтириш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Шунингдек, самарали солиқ имтиёзлари иқтисодиётнинг ҳар бир секторида ресурсларнинг самарали тақсимланишини таъминлаш ва инвестициялар жалб этишга кўмаклашади.

Адабиётлар/Литература/References:

Ashurova, N. B. (2011) *"Ekonomiko-statisticheskii analiz mekhanizma stimulirovaniya malogo biznesa i predprinimatel'stva v Respublike Uzbekistan [Economic and statistical analysis of the mechanism for encouraging small business and entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan]."* Voprosy statistiki 6: 57-59.

Isaev, F. (2017). Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 294–301. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579

Surrey, Stanley S. and Paul R. McDaniel. (1985) *Tax Expenditures*. Cambridge, MA: Harvard University Press, p. 303.

Ашурова Н. Б. (2012) *Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва солиқ соҳасидаги ижтимоий ҳамкорликни амалга ошириш йўналишлари // Экономика и финансы (Узбекистан). №11. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekiston-respublikasi-soli-siyosati-va-soli-so-asidagi-izhtimoiy-amkorlikni-amalga-oshirish-y-nalishlari>*

Ашурова, Н., & Чекулаева, К. (2024). Роль социального партнерства в совершенствовании налоговой политики республики Узбекистан. *Передовая экономика и педагогические технологии*, 1(1), 232–240. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/aept/article/view/59966>

Савина О.Н. (2016) *Подходы к оценке эффективности налоговых льгот: действующая практика и проблемы реализации. Ж. Научные известия. №4, 38-47.*